

# АКТ билан узок муддатли тараккиёт ўртасидаги ўзаро алоқа

БМТнинг Тараккиёт учун Ахборот ва Коммуникация Технологиялари бўйича Осиё ва Тинч Океан Ўқув Маркази (ТАКТ ОҒЎМ)

Маълумот учун: Бонбулдунг, Сонгдо Техно Паркиннг 3-ш қавати, 7-50 Сонгдо-донг, Иеонсу-гу, Инчхон ш., Корея Республикаси. Тел: +82 32 245 1790 02. Факс: +82 32 245 7712. Эл.маъруза: [info@unapcict.org](mailto:info@unapcict.org) <http://www.unapcict.org>

## Қисқача мазмуни

Ушбу аннотацияда ахборот ва коммуникация технологиялари (АКТ) дан, хусусан компьютер ва рақамли Интернет технологиялардан барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни илгари силжитиш ва Мин йиллик тараккиёт мақсадларига эришиш учун фойдаланилиши тушунтириб берилди. Турли тараккиёт секторлари ва АКТ ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушуниш механизмлари қараб чиқилиши билан бирга қашшоқликни қисқартиришда ҳаммага билим бериш ва соғлиқни сақлашда, гендер тенгликни рағбатлантиришда, экологик ўзгаришлар ва фавқулодда иқлимий ҳодисаларга қарши курашда АКТ ўйнаши мумкин бўлган турли роллар муҳокама қилинади. Ушбу ахборот АКТ Академиясининг тўққизта асосий модуллари билан биринчиси асосида давлат бошқарувининг лидерлари (Академия) учун тузилган. Академия тараккиёт мақсадларида АКТ масалалари бўйича тузилган кенг қўламли ўқув дастурларидан иборат бўлиб, у сиёсат ишлаб чиқувчиларни АКТ имкониятларидан миллий тараккиёт мақсадларига эришиш ва рақамли тенгсизликни бартараф этиш учун базавий билимлар ва малакалар билан таъминлашга мўлжалланган. Академия ҳақидаги батафсилроқ ахборот сайтда берилган: <http://www.unapcict.org/academy>

Муаллиф: Уша Рани Вьясулу Редди  
Серия муҳаррири: Кристина Аникул



Ушбу нашрда баён қилинган фикрлар, расмлар ва баҳолаш учун масъулият муаллифлар зиммасидадир ва уларга Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти маъқуллаган нуктаи назар ёки материал деб қаралиши шарт эмас.

Материалнинг ушбу нашрда фойдаланилган белгиси ва баёни у ёки бу мамлакат, ҳудуд, шаҳар ёки тумanning, ёхуд улар маъмуриятининг ҳуқуқий статусига оид, ёки улар чегараларини делимитациялашга оид бирон-бир фикрни Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти Котибияти номидан ифодаланиши назарда тутмайди. Фирмалар ва тижорат маҳсулотлари номларининг эслатиб ўтилиши уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маъқуллаганлигини билдирмайди.

## 1 Кириш

Осиё Тинч океани минтақаси тараккиёт ва мутахассислар масалалари бўйича глобал донорлар жамияти, агентликлар олдига қўядиган ривожлантириш вазифаси гоёт каттадир. Ҳамма учун ягона ёндашув йўқ, шунинг учун бир мамлакатда идеал амал қилиб келаётган ечим ҳам шу минтақанинг ўзидаги бошқа мамлакатда қаттиқ муваффақиятсизликка учраши мумкин.

Бинобарин, ҳар бир мамлакат тараккиёт масалалари билан боғлиқ муайян эҳтиёжларга жавоб берадиган инновацион ёндашувлар ва ечимлар излаб топмоғи зарур. Билимлар жамияти замонида ахборот ва коммуникация технологиялари (АКТ) жорий қилиш инновацион ёндашувлар ва тайёр ечимларни қўлланишга имкон беради ва ривожланаётган мамлакатларни худди, масалан, Хитой ва Ҳиндистондаги каби, жадал ўсиш йўлига солиб юбориши мумкин.

Ушбу аннотацияда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва Мингйиллик тараккиёт мақсадларига (МТМ) эришиш учун АКТни, жумладан, компьютерли ва рақамли Интернет-технологияларни<sup>1</sup> жорий қилишдан фойдаланиш қараб чиқилади. Бу ерда асосий эътибор оролар ва тоғларда жойлашган, денгизга чиқиш йўли бўлмаган ва энг кам ривожланган мамлакатлардаги АКТни самарали қўлланишга қаратилган.

<sup>1</sup> Радио ва телевидениени қўлланиш каби эскирок технологиялар фақат уларнинг рақамли технологиялар билан қай даражада боғлиқлигига қараб муҳокама қилинади.



(БМТ расми / Дебра Берковин)  
БМТнинг Бош котиби, Пан Ги Мун (олди қатор, чап тарафдан иккинчи) "Вазданг устидан чиқин" ҳисоботини 2010 йилнинг сентябрь ойидаги Мингйиллик Тараккиёт Мақсадлари (МТМ) бўйича Нью Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош ассамблеясининг норасмий учрашувидаги Южуря доражаси пленар сессиясида тақдир қилишда (сарт, 2010 й.)

## 2 Қисқача МТМ тўғрисида

2000 йилда Мингйиллик Декларация ва МТМнинг БМТ Бош Ассамблеясига аъзо қилиниши глобал ҳамкорликда кескин бурилиш нуқтаси бўлди. 2004 йилдан бошлаб дунёнинг турли қисмларида мақсадга эришишдаги глобал ва минтақавий ютуқларни бир қанча орилик кузатишлар ўтказилди. 2007 йилги мингйиллик тараккиёт мақсадлари тўғрисидаги докладда<sup>2</sup> глобал тараккиётнинг бир текис эмаслиги ва муайян даражада сезиларли ва кўпгина муваффақиятларга эришилганлигига қарамай, ҳатто энг кўп мураккабликлар мавжуд бўлган минтақаларда ҳам дунёнинг катта қисмида қўйилган мақсадларга 2015 йилгача эришиб бўлмаслиги қаёд қилиб ўтилди. 2009 йилги глобал мониторинг бўйича ҳисоботда<sup>3</sup> тараккиётнинг ҳозирги ҳолати глобал иқтисодий кризис ҳам таъсир қилган "танг вазият" деб аталди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик лойиҳанинг яқунловчи докладиди<sup>4</sup> нима учун МТМга эришиб


<sup>2</sup> БМТ. 2007 йилги тараккиёт мақсадлари бўйича доклад (Нью-Йорк: БМТ, 2007 й.) <http://www.un.org/millenniumgoals/pdf/mdg2007.pdf>.

<sup>3</sup> Жаҳон банки. 2009 йилги глобал мониторинг натижалари тўғрисида доклад: Тараккиёт масалалари (Вашингтон, Колумбия округи, 2009 й.) [http://siteresources.worldbank.org/INTGLOMONREP/2009/RESOURCES/5924349-1239742507025\\_book.pdf](http://siteresources.worldbank.org/INTGLOMONREP/2009/RESOURCES/5924349-1239742507025_book.pdf)

<sup>4</sup> БМТнинг Мингйиллик лойиҳаси. Тараккиётни инвестициялаш: МТМга эришишнинг амалий режаси (Нью-Йорк: БМТТД, 2005 й.) <http://www.unmillenniumproject.org/reports/fullreport.htm>

бўлмаслигининг тўртта асосий сабаби алоҳида кўрсатилади: бошқарувнинг ёмонлиги, коррупция, нотўғри сиёсий устуворликлар ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши. Баъзан қашшоқликнинг ўзи ўзича муаммодир, чунки маҳаллий ва миллий даражадаги айрим ҳукуматлар зарур инвестицияларни амалга ошириш учун етарли маблағларга эга эмаслар.

1-расмда жамиятнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқа кўрсатилган.



1-расм. АКТ билан давлат бошқаруви ва жамиятнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқа

Ҳукумат фуқароларга, масалан, касалхоналардаги беморларга, мактаблардаги ўқувчиларга ҳамда сув ва электр истеъмолчилари хизмат кўрсатиш учун мавжуддир. Буларнинг ҳаммаси миждозлардир, чунки бу хизматлар учун солиқлар ёки абонент тўловлари воситасида давлат томонидан йиғиб олинган ҳақ тўланади.

Хизмат кўрсатувчилар - бу давлат ёки хусусий шахсларнинг агентлиги ёки муассасаси бўлиб, хизматлаб фуқаролар уларга мурожаат қиладилар. Электр ва сув билан таъминлаш хизмати, санитария назорати, мактаблар ва касалхоналарни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Сиёсат ишлаб чиқувчилар сайлаб қўйиладиган мансабдор шахслар ва давлат хизматчилари бўлиши мумкин, улар сиёсат ишлаб чиқиш ва иш-ҳаракат йўлини белгилаш имкониятига эгадирлар, шунингдек хизмат кўратувчилар устидан назорат қилиш, бошқариш ва интизомга тортиш ҳоқимиятига, жумладан, ишчи бажариш яқунлари бўйча рағбатлантириш ёки жарима солиш ваколатига эгадирлар.

Фуқаролар билан сиёсат ишлаб чиқувчилар ёки сайлаб қўйилган мансабдор шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қараб чиқамиз. Аслида, фуқаролар сиёсат ишлаб чиқувчиларга ва сиёсий арбобларга мавжуд сиёсий жараёнлар доирасида, масалан, сайловлар орқали таъсир ўтказадилар.

Бундай жараёнлар кўп вақт олгани сабабли, амалда ҳамиша ҳам ишлайвермайди (айниқса камбағаллар учун, чунки улар сиёсатчиларга ҳаммадан кам таъсир кўрсата оладилар). Фуқаролар билан сиёсат ишлаб чиқувчилар, ёки сайлаб қўйилган мансабдор шахслар ўртасидаги масофа ё сайлов тизимидаги камчиликлар туфайли, ёки жараённинг суст характери узоклашиб бормоқда (сайловлар ҳар тўрт ёки беш йилда ўтказилмоқда).

Ҳатто ночор -кишилар сиёсат ишлаб чиқарувчиларгача етиб бора олган тақдирда ҳам хизмат сифати сиёсат ишлаб чиқарувчилар хизмат кўрсатувчиларнинг аҳолига сервис хизмати кўрсатишини таъминламагунча яхшиланмайди. Хизмат кўрсатиш натижаларига АКТдан фойдаланиш асосида фуқаролар билан хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги алоқани мустақамлаш орқали таъсир кўрсатиш яхшироқдир.

АКТ ёрдамида учта асосий ўйинчининг барчаси ўртасидаги алоқани тезлаштириш, яхшилаш ва янада таъсирлироқ ва самаралироқ қилиш мумкин. Дарҳақиқат, кейинги ўн йиллик мобайнида компьютер ва Интернетдан самарали фойдаланиш қобилияти баъзи осие мамлакатларининг тез ривожланишининг тўла элементига айланди. АКТдан хизмат кўрсатишнинг тўла ва адолатли бўлишини таъминлаш, турли секторлар ўртасидаги режалаштириш ва координациялаш каби мураккаб жараёнларга кўмаклашиш, шунингдек ахборот алмашувни, асосий кучларни қамраб олиш ва мониторинг қилишни кўпайтиришга имконият бериш учун фойдаланиш мумкин. АКТдан комплекс ёндашувларни ва иқтисодий жиҳатдан самарали ва кенг қўламли ечимларни ривожлантириш мақсадида фойдаланилганда амалга ошириш ва фойдаланиш учун қилинадиган умумий сарфлар, чамаси, камроқ бўлади.

### 3 АКТни тараққиёт мақсадларига эришиш учун қўлланиши

АКТ ўз табиатига кўра комплексдир ва уларнинг қўлланилиши тармоқлараро ва кўп томонлама характерга эга бўлиши мумкин. Масалан, АКТдан қашшоқликни қисқартириш мақсадларида фойдаланилиши даромад олиш имконини бериши билан бирга аёлларни иқтисодий фаолиятнинг асосий тадбирларига жалб этишга ёрдам бериши мумкин, бу эса айни вақтда, тараққиётнинг яна бир мақсадига эришишга имкон беради. Бирок, муҳокама мақсадида ушбу бўлим АКТни қўлланишнинг турли усулларини тасифлаб, уларнинг муайян мақсадларга эришиш ёки тараққиёт вазифаларини ҳал қилишга кўмаклашувдаги ролига алоҳида эътиборни қаратади. Мақсадлар тараққиёт секторлари бўйича тақсимланган.

АКТни қўлланишга икки хил ёндашув борлигини айтиб ўтмоқ керак. Бевосита ёндашув энг сўнгги

хизмат фойдаланувчиларни кўрсатувчилар билан бевосита боғлаш учун АКТдан фойдаланилади. Бевосита ёндашув ёрдамчи ёндашув бўлиб, сиёсат, инфраструктура, ёрдам ва таъминот тизимларини ривожлантириш учун фойдаланилади, бу эса, пировардида, энг сўнгги фойдаланувчиларга наф келтириши мумкин. Ҳар иккала ёндашув тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш учун муҳим аҳамиятга эга, лекин уларнинг ҳар бирида сиёсат ва ижро даражасида ўз модели бор. Таъсир кўрсатишнинг шу иккала турини АКТ контекстида қараб чиқмоқ керак.

АКТ ва қашшоқликни қисқартириш. АКТ иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда муҳим роль ўйнайди, у ўз навбатида, қашшоқликни қисқартиришга ёрдам беради. Равшанки, бизнес ва саноат ахборот революциясидан энг кўп фойда кўрди. АКТ ва инсон ресурслари инфраструктурасининг ривожланиши Хитой ва Ҳиндистон каби мамлакатларда ўсишнинг юқори суръатларда бўлишига олиб келди ва уларни иқтисоди кудратли давлатларга айлантиради.


АКТ қувватланаётган саноат ва хусусий секторнинг ўсиши бир қатор ҳолларда қашшоқлик миқёсларини қисқартиришга ёрдам беради. Лекин, камбағал аҳоли бу тараққиёт типидан камбағалмас аҳолига нисбатан кам наф кўрди<sup>5</sup>. Камбағал кишилар кўпчилиги сабабли ҳукумат қашшоқлик муаммосини бевосита ҳал қилмоғи лозим, бу эса пировардида камбағалларга фойда келтиради.

АКТнинг бевосита ва бевосита таъсири, яъни АКТдан бевосита камбағал аҳолига хизмат кўрсатиш учун фойдаланиш, шунингдек табиий ресурсларни харитагача олиш каби ёрдамчи тадбирлар қашшоқликка қарши курашнинг муҳим таркибий қисмидир. Қашшоқликнинг кўп томонлама масалаларини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан яна бири қашшоқлик муаммоларини ҳал қилиш бўйича йирик ижтимоий дастурларни қўллаб-қувватлаш учун АКТ асосида самарали тизимлар яратишдир. Малайзиядаги SINAR тизими, шаҳар камбағаллари ҳақидаги маълумотлар базаси бўйича бунга мисол бўла олади, у ушбу секторга хизмат кўрсатишга ҳаракат қилаётган ҳукуматлар ва донорлик тапшилотлари учун ўзининг фойдалилигини исботлади.

АКТ ва таълим. АКТнинг таълимга таъсири фақат бутун дунё бўйича

<sup>5</sup> ИХТТ, АКТни иқтисодий ўсиш учун қўллашнинг ижобий мисоллари ва қашшоқликка қарши кураш (Бонн, ИХТТ, 2002)

бизнесни бошқариш амалиёти таъсиридан бўшроқ бўлди. Миллий даражадаги кучларни кенг тасвифи АКТнинг таълим тизимида қўлланилиши қанчалик турли-туман бўлса шунча кенг эканлигини кўрсатади. АКТ ёрдамида аҳолининг маргинализацияланган гуруҳи мактабларга ва таълим ресурсларига боришини таъминлаш, дарс бериш ва ўқув жараёнларининг самарадорлигини яхшилаш мумкин.



Шри Ланкалик ёш аёллар худудий интернет кибфеда АКТ асосларини ўрганишмоқда

АКТни қўллашнинг потенциал фойдаларини олиш учун, энг аввало, АКТ умумтизимий ислохотлар доирасида таълим сиёсати ва амалиётга тасвир этилмоғи лозим.

Таълим тизимини ўрганиш ва такомиллаштиришдан реал фойда олиш учун таълим соҳасидаги ўзгаришларнинг барча элементлари, сиёсат ва амалиётдан тортиб то ўқитувчилар, ўқувчилар ва бошқа манфаатдор томонларгача, бирлашмоғи лозим бўлади.

АКТ ва гендер тенглик. АКТ дан фойдаланиш хотин-қизлар учун худди аввалгидек бутунги кунда ҳам чеклаб қўйилган Аёллар билан эркаклар ўртасида ҳукмрон динамиканинг анъанавий муносабатларини мустаҳкамловчи катта технологик тафовут кузатилмоқда. АКТ ижтимоий иштирок ва иқтисодий унумдорликнинг асосий воситасига тобора кўпроқ айланиб бораётганлиги сабабли АКТ малакаларини аёлларга етарлича сингдирилмаслик аёлларни бундан буён ҳам чеклаб қўяди.

Тўғри, баъзи аёллар АКТдан электрон тижоратда бевосита иштирок этиш ва таълим олиш учун фойдаланмаганлар, лекин ўз-ўзича технологиялар жамиятга чуқур сингиб кетган ҳукмрон муносабатларни ўзгартиролмайди.

Аёлларнинг потенциалини технологиялардан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, уларнинг мазмунига ва уларга фойдаланиш йўналишларига таъсир ўтказиш йўли билан мустаҳкамлаб,

хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтиришга қаратилган айрим ташаббуслар билан чиқилди. АКТ шунингдек фикр алмашув учун коммуникация майдончалари ажратиш, манфаатларни ишлаб чиқиш ва бирлаштириш ҳамда сиёсий лидерлар эътиборини аёллар муаммоларига қаратиш йўли билан хотин-қизларнинг давлатни бошқарувда ва сиёсий ҳаётда иштирок этишига имкон бериши мумкин. Хотин-қизлар ижтимоий ҳаракатлари бир-бири билан бирлашиш ва алоқа қилиш, шунингдек ижтимоий фикрни сафарбар этиш учун АКТдан самарали фойдаланишлари мумкин.

АКТ ва соғлиқни сақлаш. Соғлиқни сақлаш соҳасида манфаатдор томонларнинг иккита асосий категорияси мавжуд, булар АКТдан фойдаланишдан фойда чиқариб олишлари мумкин. Биринчи категорияга тиббий хизмат кимларга мўлжалланган бўлса, шулар қиради.

Иккинчи категорияга соғлиқни сақлаш ходимлари, врачлар, хамширалар ва касалга қаровчилар (сиделка) каби тиббий мутахассислари, соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий ходимлар раҳбарлар ва сиёсат ишлаб чиқувчилар қиради. Биринчи гуруҳ учун АКТнинг аралашуви бевосита бўлиши мумкин бўлиб, беморларни малакали тиббий хизмат билан боғлайди. Манфаатдор томонларнинг иккинчи гуруҳи учун АКТнинг аралашуви бевосита бўлиб, соғлиқ ҳолатига мониторинг тизимини яратиш ёки узлуксиз профессионал таълим воситасида таъминланиши мумкин. АКТ аралашувининг ҳар иккила типи муҳим ҳисобланади.

Камбағал кишлоқ районларида врачларнинг беморлар билан алоқасини таъминлаш учун АКТдан фойдаланиш мамлакатдаги тиббий хизмат зонаси ва сифатига бевосита ва муҳим таъсир кўрсатади. Аммо АКТдан соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим ва бошқарув сифатини яхшилаш учун фойдаланиш яна ҳам муҳимроқдир, чунки соғлиқни сақлаш соҳасида билим ва бошқарув тиббий хизмат кўрсатишга таъсир қилади. Кўшгина ривожланаётган мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасида профессионаллар, шу жумладан тиббий ўқув юрлари хузуридаги клиникалар учун педагог врачлар етишмайди.

Тиббий ёки талабалар учун ҳам, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ходимлар учун ҳам тиббий адабиётлар етишмайди, ваҳоланки булар узлуксиз тиббий таълим ва кадрлар тайёрлаш воситасида сўнги ютуқлардан хабардор бўлиб туришлари керак.

АКТ бу эҳтиёжларни қондиришда муҳим рол ўйнайди. Масалан, Ҳиндистоннинг ёш врачлари ташаббуси билан врач бўлишни истаган медик талабаларнинг катта клиентураси ва амалиёт ўтаётган соғлиқни сақлаш ходимлари учун Интернетда ҳам, автоном режимда ҳам мультимедия форматида тиббий адабиётга кириш таъминланди<sup>6</sup>. Глобал тармоқлар тиббий журналлар ва кенг онлайн-кутубхоналарга бепул ёки анча пасайтирилган абонент тўлови эвазига кириш ҳуқуқини беради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) томонидан қўллаб-қувватланаётган Веб-портал HINARI бутун дунё соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассислар ва сиёсат ишлаб чиқувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича глобал ҳаракат қилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида АКТ ни қўллашнинг бошқа бир муҳим соҳаси ВИЧ/ОИТС, безгак, сил ва мўҳов каби касалликлар профилактикаси, ҳисоботи ва назорати учун АКТ асосида кузатув тизими жорий қилинганлигидадир<sup>7</sup>.

Бундай тизимлардан фойдаланиш халқаро ташкилотлар ва миллий ҳукуматларга, халқаро чегараларга қарамай касалликлар тарқалишига имкон берди. Масалан, илгари учрамаган зотилжам ва парранда гриппи каби тез тарқалувчи касалликлардан химоялашни таъминлаш ва даволаш фақат АКТ асосида соғлиқнинг ҳолатини эпидназорат тизимлари туфайлигина мумкин бўлди.

АКТ ва табиий офатлар оқибатини тугатиш. Ресурсларни бир меъёрда тақсимламаслик ва табиий ресурслардан тўхтовсиз фойдаланиш жуда катта глобал кризисни келтириб чиқарди. Иқлимнинг глобал ўзгариши, шу жумладан глобал иссиқ, қурғоқчилик ва тошқинлар дунёнинг турли бурчакларида тобора кўпроқ сезилмоқда. Ороларда жойлашган давлатлар глобал иссиқ ва денгиз сатҳининг кўтарилиш оқибатларига айниқса таъсирчандир, айтиш вақтда тоғда жойлашган ва денгизга чиқиш йўли бўлмаган мамлакатлар, музликларнинг эриши, тупроқ эрозияси ва қор кўчкиларига бардошсиздир ва булар офатларнинг баъзиларидир, холос.

Иқлим ўзгаришларининг энг кўп жабр кўрадиган қурбонлари қарда бўлмасин

<sup>6</sup> Қаралсин: "SmarTeach"

<sup>7</sup> БМТТД инсон ривожланиши бўйича минтақавий ҳисобот-Осиёда инсон ривожланиши таъминлаш учун АКТни қўллаш: Мингйиллик тараққиётни амалга ошириш (Нью-Дели: БМТТД, Элсвевер, 2005 йил) 147-160, <http://www.apdip.net/elibrary#thdr>

аҳолининг ночор катламларидир, чунки инкирознинг глобал натижалари кўлами тирикчилик воситаларининг йўқолишига олиб келади.

АКТ атроф-мухитни муаммоларини ҳал қилишда ва табиий офатлар хавфини қисқартиришда катта роль ўйнамоқда. АКТдан фойдаланиб режалаштириш ва бошқаришнинг комплекс тизимлари ороларда жойлашган мамлакатлар ва узоқ минтақалар учун жуда фойдали бўлиши мумкин эди.

## 4 Сиёсат ишлаб чиқарувчиларнинг роли

Орол ва тоғларда жойлашган ва денгизга чиқиш йўли бўлмаган кичик мамлакатлар баъзи бир умумий муҳим хусусиятларга эгадирлар. Биринчидан, уларнинг ҳаммасида аҳоли оз ва бинобарин уларнинг иқтисодий имкониятлари кам, бозорлари кичкина, одам ва техника ресурслари чекланган. Бир қатор ҳолларда уларнинг табиий ресурслари ҳам чекланган.

Иккинчидан, улар масофанинг катталиги муаммосига дуч келадилар: агар кичик орол давлатлари океан билан ажратилган бўлса, тоғлик мамлакатлар ўтиб бўлмас тоғлар билан ажратиб қўйилган. Бу мамлакатларнинг ҳаммасида асосан хизмат кўрсатиш даражаси етарли бўлмаган узоқ районлар бор. Шунингдек, уларнинг ҳаммасида транспорт ва коммуникация билан боғлиқ муаммолар бор, телекоммуникация тизимининг сифати ёмон.

Учинчидан, бу мамлакатларнинг ҳаммаси, бир томондан, табиат кучлари олдида ва иккинчи томондан дунёни қамраб олган глобаллашув, либераллашув ва хусусийлашув тенденциялари олдида ожиздирлар.

Бу мамлакатларнинг айримлари иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қудратли кўшнilar қуршовида қолган ва фақат айримлари этник низолардан ҳимояланган, бундай низолар кўпминг йиллик ривожланиш мобайнида яратилган нарсаларни вайрон қилиш хавфини солиб турибди.

Ривожланиш учун жиддий тўсқинлик қилаётган деярли барча шароитларда АКТдан фойдаланишдан фойда чиқариб олиш мумкин. Мамлакат ўзининг ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги интилишларида қандай ёндашувни танлашдан катъий назар, АКТнинг фойдалилиги

бўрттириб юборилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, АКТдан муваффақиятли ва самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан сайлаб қўйиладиган мансабдор шахслар ва сиёсат ишлаб чикувчиларнинг доимий сиёсий, стратегик ва маъмурий кўллаб-қувватлашига боғлиқ. Айнан улар тараққиёт дастурига мансубдирлар. Турли секторларда – иқтисод, таълим, соғлиқни сақлаш ва табиий офатлар оқибатларини тугатишда – АКТ таъсири билан ишлаш тажрибаси ривожланаётган мамлакатларда сиёсат ишлаб чикувчиларнинг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, кашшоқлик микёсини қисқартиришда<sup>8</sup> ва Андхра-Прадешдаги (Ҳиндистон)<sup>9</sup> электрон харид жараёни ва АКТдан фойдаланиш сиёсий ирода ва содиқлик муваффақият билан муваффақиятсизлик ўртасида тафовут келтириб чиқаришни кўрсатади.

Муваффақият:

- ҳукумат бошлиқларининг бевосита аралашуви ва иштироки;

- олий давлат мансабдор шахсларининг ваколатли кўмиталарининг таъсис этилиши; булар ҳар икки ҳафтада қарорлар қабул қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш учун учрашиб турадилар;

- раҳбар кўрсатмалар бериб турадиган ҳукумат билан хизмат кўрсатадиган бизнес ўртасидаги шериклик;

- барча идораларда лойиҳани амалга ошириш махсус бўлинмалар тузиш;

- давлат хизматчиларини узлуксиз ўқитиш ва салоҳиятини кучайтириш;

- жараёнларнинг доимий мониторинги ва таҳлили, шунингдек маълум ташкилотлар томонидан ўтказилган мустақил баҳолаш туфайли мумкин бўлади.



Ривожланаётган давлатлардан Президентликлари Корея Республикасида бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Вазирларшўра учрашувида таъбирларий таъбири бўлмиш, БМТ-ТАКТ ОТЎМ ташкили қилган "Ривожланаётган давлатларнинг Инклюзив Интернет Иқтисодийтини Қуриниш назари бўйича Глобал Форумда тақдир қилинганлар.

<sup>8</sup> Қишлоқ аҳолисини қафолатланган ишга жойлаштириш давлат дастурининг иш схемаси-штат Андхра-Прадеш, [http://nrega.ap.gov.in/Nregs/Home\\_eng.jsp](http://nrega.ap.gov.in/Nregs/Home_eng.jsp).  
<sup>9</sup> <http://www.eprocurement.gov.in/home/>.

## 5 Хулоса

Тараққиёт соҳасида АКТ асосида ишлаб чиқилган тадбирлар ҳукумат илгари амалга ошироқчи бўлган дастурлардан фарқ қилади. Улар фақат компьютерлар сотиб олишни ва дастурий таъминотнигина эмас, балки фикрлаш ва ишлашнинг эски усуллари ўз ичига олади.

Улар дастурий таъминот ва кўшимчаларни одий ишлаб чиқиш ва узатиш доирасидан чиқади, лекин шунингдек ҳукуматни ва иш усуллари кенг кўламда ислоҳ қилиш ва қайта қуришни талаб қилади. Бу реструктуризацияда иш баҳосиз, сиёсат ишлаб чикувчиларнинг мустақкам иродаси ва етакчилик роли зарур. ТАКТ ОТЎМнинг ахборот бюллетенлари серияси тараққиёт мақсадида ахборот ва коммуникация технологиялари (ТАКТ) бўйича муҳим дастурлар ҳақида энг юқори даражада сиёсат ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи мансабдор шахслар учун ахборий тасаввур беришга интилади. Серия қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) Ҳаммага маъқул бўлган илмий-тадқиқот ишларининг асосий жиҳатлари, баҳо ва шарҳлар берилган ҳисоботлар ва нашрлар;
- 2) Академия модулларини ўрганиш вақтида қараб чиқилган сиёсий мулоҳазалар;
- 3) Илғор тажрибани ва тематик тадқиқотларни таҳлил қилиш натижасида олинган сабоқлар ва муҳим муаммолар.

ТАКТ ОТЎМ, БМТнинг минтақавий институти ва Осиё ва Тинч океани учун ижтимоий ва иқтисодий комиссия (ОТОИИК) 2006 йил 16 июнда Корея Республикасининг Инчхон шаҳрида тузилган ва ўз ишчи бошлаган. ТАКТ ОТЎМнинг роли ва вазифаси (ОТОИИК)нинг 62 аъзоси ва Ассоциацияланган аъзо мамлакатларнинг АКТ соҳасида инсон ва ташкилот салоҳиятини яратиш орқали ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида АКТдан фойдаланишда эришган ютуқларини мустақкамлашдан иборат. Ўз мандатини бажаришга интилан ТАКТ ОТЎМнинг иши бири-бири билан боғлиқ учта компонентга жамланган – ўқитиш, консалтация хизматлари ва тадқиқот.

Ахборот бюллетенлари серияси тадқиқот компонентининг бир қисмидир, шунингдек ушбу тадқиқот компонентига тематик тадқиқотлар серияси қиради, у ТАКТнинг ва Осиё ва Тинч океан минтақасида салоҳиятни мустақкамлашнинг турли масалалари бўйича илғор тажриба ва тематик тадқиқотлар йиғмаси ва таҳлиладан иборат.